



## ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЁРИТИШДА WEB ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Вахобжонов Равшанбек Абдукарим ўғли**

АндДУ Педагогика институти магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6589077>

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада ташкилот фаолиятини ёритишда Web технологиялардан фойдаланиш ҳамда уларни қўллашдан мақсад ва вазифалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Web-sayt, Web-sahifa, Web-server, Web технология, интернет, комъютер, мультимедия, телефон, инновация.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье изложены цели и задачи использования и использования веб-технологий в организации.

**Ключевые слова:** Веб-сайт, Веб-страница, Веб-сервер, веб технологии, интернет, компьютер, мультимедиа, телефон, инновации.

**ANNOTATION:** This article outlines the goals and objectives of using and using Web technologies in the organization

**Keywords:** Web site, Web page, Web server, web technology, internet, computer, multimedia, telephone, innovation.

Бугунги кунда жамият учун бутунлай янги даражадаги мутахассис талаб қилинмоқда. У фаол ижодий фикрловчи, изланувчан, керакли ахборотларни мустақил равишда излаб топа оладиган ва уларни ўз амалий фаолиятида қўллай оладиган мутахассис бўлиб этишиши лозим. Шунинг учун ҳам мактаб таълим мини ислоҳ қилиш, янгилаш, такомиллаштиришда замон талабларига жавоб берадиган битирувчиларни тайёрлашнинг асосий йўлларидан бири компетентли ёндашув ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мактаб таълими давлат таълим стандартлари такомиллаштирилди, яни бунда ўқувчиларнинг билими, кўникмаси ва малакаларини шакллантиришдан энди асосий эътибор уларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга қаратилмоқда. Таълим жараёнига анъанавий ёндашув амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, мактаб битирувчиларининг кўпчилиги ўзлаштириган билим, эгаллаган кўникма ва малакаларидан ўзларининг келажакдаги ҳаётий ва таълимий фаолиятида самарали фойдалана олмаяпти.



Таълим жараёнига компетентли ёндашув эса қўйидагиларни амалга оширишга имкон беради: ўқитиш мақсадларини таълим олувчиларнинг шахсий мақсадлари билан мувофиқлаштириш; таълим олувчиларнинг мустақиллиги ва масъулиятининг доимий ошиши ҳисобига ўқитувчининг меҳнатини осонлаштириш; ўқувчиларни ўқув материал мазмуни ҳажмини қисқартириш ҳисобига эмас, балки индивидуал мустақил таълим улушкини ошириш ҳисобига банд қилиш; ўқув ва тарбия жараён бирлигини назарияда эмас, балки амалиётда таъминлаш; таълим олувчиларни онгли ва маъсулиятли таълим олишга тайёрлаш.

Мамлакатимиздаги таълим тизими — уни ташкил этиш принциплари, мазмуни, таълим-тарбия жараёнининг шакл ва усулларини янги таълим технологиялари талаблари даражасида тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясида халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида келажак касблар учун зарур бўладиган малакали битиравчиларни тайёрлашда илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда умумтаълим муассасаларида информатика фанини ўқитиш дастурини қайта кўриб чиқишига йўналтирилган “IT-Nation” дастурини яратиш кўзда тутилди.

2019 йил 29 апрелдаги ПФ - 5712 фармонига кўра, иқтидорли болалар ва истедодли ёшлар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошириш тизимини яратиш, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда янги авлод дарслик ва ўқув-услубий адабиётларини тайёрлаш ва чоп этишини ташкиллаштириш, ахборот технологиялари соҳасидаги ташкилотларнинг ўқув жараёнларига қатнашишини рағбатлантириш орқали умумтаълим мактабларида информатика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятга эга педагогик жамоасини умумтаълим мактабларида иқтидорли болалар билан ишлашга ва таълим сифатини баҳолашга жалб қилиш вазифаларининг долзарблиги кўрсатилди.

Хозирги кунга келиб, Web-sayt атамаси ҳар куни бир неча марта қулоғимизга чалинади. Ушбу сўз интернет манзил эканлигини биламизку, аммо веб-сайт тушунчаси, унинг асл



моҳияти, нима учун кераклиги, нега бу қадар оммалашиб бораётганлиги ва балки ўзимиз ҳам сайтилизга эга бўлишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз...

*Web-технология* ўз ичига *Web-sahifa*, *Web-sayt*, *Web-server* каби тушунчаларни олади:

*Web-sahifa* – ўзининг уникал манзилига эга бўлган ва маҳсус кўриш дастури ёрдамида (браузер) кўрилувчи хужжатdir. [Унга матн](#), графика, овоз, видео ёки анимация маълумотлар бирлашмаси - мултимедияли хужжатлар, бошқа хужжатларга гипермурожаатлар кириши мумкин.

*Web-sayt*-бир қанча веб-саҳифаларнинг мантиқий бирлашмаси.

*Web-server* – тармоққа уланган компьютер ёки ундаги дастур ҳисобланиб, умумий ресурсларни мижозга тақдим этиш ёки уларни бошқариш вазифаларини бажаради. *Web-server* лар маълумотлар базалари ва мултимедияли маълумотларни бир-бирига мослаштиради.

*Web-server* да *Web-sahifa* ва *Web-sayt* лар сақланади.

*Web-sayt* – ўзи нима, бу ноёб манзил бўлиб, Сайт ёки веб-сайт инглизча Website: web – «ўргимчак тўри, тармоқ» ва site – «жой, сегмент, тармоқнинг бир қисми» деган маъноларни англатади. Бу ерда сайт – бу битта домен номидан фойдаланадиган, бир-бирига боғланган веб-саҳифалар тўплами. Веб-сайtlар шахс, гурух, корхона ёки ташкилот томонидан турли мақсадларда яратилиши мумкин. Барча оммавий веб-сайtlар бутун дунёдаги интернет тўрини ташкил қиласди.

Оддий қилиб айтганда, сайт – бу Интернетда жойлашган, баъзи маълумотларни (матн, видео, фотосуратлар, хужжатлар, мусиқа ва ҳ.к) ўз ичига олган манзил. Интернет эса ушбу манзиллар тўпламидир.

Эндиликда турли хил веб-сайtlар мавжуд: таълим, янгиликлар, форумлар, ижтимоий тармоқлар, электрон тијорат сайtlари (онлайн-дўконлар), блоглар, лендинглар ва ҳоказо. Бугунги кунда мижозларга хизмат кўрсатувчи ва ўз маҳсулотларини таклиф этувчи шахслар, компания ва ташкилотлар ўз веб-сайtlарига эгалар.

Интернетдаги бундай сайtlар улар учун нега керак деган савол туғилади?

Биринчидан, ташкилот (муассаса) ёки шахс ҳақидаги батафсил маълумотларни тақдим этиш – бунда веб-сайt орқали ташкилот, хизматлар, буюртма шартлари ва



алоқалар ҳақида батафсил маълумотларни оммага бериб борилади. Сайт мижозларингизни хизмат ёки маҳсулотларингиз ҳақида йил бўйи, кеча-ю кундуз хабардор қиласди. Сиз ўз сайtingизга ҳаволани визиткалар, сұхбат давомида, реклама материаллари ва каталогларда, қидиув тизимларида ва шу каби турли маълумотномаларда тақдим этишингиз мумкин. Қолаверса сайтдаги маълумотларни ўзгартириш ва янгилаш ҳам жуда осон. Бу аввалги реклама буклетни моделлаштириш, чоп этиш ва мижозларга юбориш каби сарф-ҳаражатларнинг олдини олади.

Иккинчидан, веб-сайт орқали – хизматларингиз ва маҳсулотларингизга буюртма бериш жараёнини соддалаштириш ва мижозларни жалб қилишингиз мумкин. Потенциал мижозлар каталоглар ва интернет орқали қидиувда калит сўзларни киритиб сизнинг сайtingизни топадилар, хизмат, маҳсулотлар ва шартлар билан танишадилар.

Учинчидан, мижозларга хизмат кўрсатиш – веб-сайт мавжуд мижозлар билан ишлаш воситасидир. Унинг ёрдамида интернет орқали мижозларга турли хил маълумотларни тақдим этиб боришинигиз қулай.

Тўртинчидан, ахборот алмашиш – веб-сайт ташкилот ходимлари ва раҳбарларининг ўзаро ахборот алмашинув воситаси сифатида ҳам хизмат қиласди. Агар сиз ҳужжатлар, топшириқлар, ҳисботлар ва бошқа маълумотларни сайтга жойлаштирсангиз, компания раҳбарияти ва бошқа ходимлари керакли маълумотларни дунёнинг исталган нуқтасидан интернет орқали олишлари мумкин бўлади.

Бешинчидан, таълим муассаса имиджи – сайт – сизнинг ёки ташкилотингиз имиджи ҳисобланади. Сайт мавжудлиги ташкилотнинг тараққиёти ва унинг замон талабларига мувофиқлигидан далолат беради.

Сайт таркибини ўрганадиган бўлсак, Домен номи (домен) – манзил, масалан: web-litsey.uz, бу ерда uz – домен зонасидир. Сервер (хостинг) – интернетга уланган, веб-ресурс файллари жойлашган компьютерлар/ серверлар.

Айни дамда сайт очиш сирлари деган тушунча эскирган. Эндиликда турли интернет хизматлари ва CMS тизимидан фойдаланган ҳолда ҳатто 3-синф ўқувчиси ҳам ўзи мустақил равишда сайт яратиши мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай маҳсус билимлар талаб этилмайди, қолаверса сайтни яратиш бепул. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки мустақил



равиша яратиладиган сайтларнинг барчаси одатий шаблон сайтлар, яъни лендинг, ташриф саҳифалари, блоглар, ижтимоий тармоқлар, интернет-дўконлар фақат энг асосий функционал имкониятларга эга бўлади, холос. Агар сизга ностандарт ечимларга эга эксклюзив ва мукаммал веб-сайт керак бўлса, у ҳолда мутахассисларга мурожаат қилишингиз зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш тўғрисидаги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ -5712 фармони.
2. М.Арипов, С.Доттоев, М.Файзиева. Web texnalogiyalari. Тошкент 2013.
3. И.Ф. Астахова, Т.В. Курченкова, Р.А. Дураков, И.С. Битюцких, Д.В. Комаров. “Web технологии с базами данных”, — Воронеж, ИПЦ ВГУ, 2008.
4. Khurramovich, K. F. (2022). METHODOLOGY OF WEIGHTLIFTING WITH ATHLETES. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(4), 1228-1233.
5. Khurramovich, K. F. (2022). DEVELOPING A SET OF WELLNESS EXERCISES FOR MIDDLE AGED MEN (45-60 YEARS OLD) ACCORDING TO PHYSICAL PREPARATION. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(04), 165-169.
6. Karimov, F. X. (2022). Scientific and Methodological Bases of Normalization of Loads in Physical Education and Mass Sports-Health Training. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(2), 24-28.
7. Karimov, F. X. (2021). Plan Individual Fitness Training Programs for Middle-Aged Men. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 11, 238-244.
8. Каримов, Ф. Х. (2020). CLASSIFICATION, SYSTEM AND TERMS OF SPORT WRESTLING METHODS. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(4), 84-88.
9. Каримов, Ф. Х., & Ташпулатов, Ф. А. (2020). РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЮНОН-РИМ КУРАШИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЎСМИРЛАРНИ ҚАРШИ ҲУЖУМ УСУЛЛАРИГА ЎРГАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ. ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, (SI-2№ 4).
10. Каримов, Ф. Х. (2017). Физическая культура и её связь с общей культурой. Высшая школа, (4), 65-66.